

I. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2017 йил январь-декабрда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 2784,5 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 78,8 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	2784,5	78,8	100,0
<i>шу жумладан</i>			
Марказлашган инвестициялар:	1040,4	65,4	37,4
бюджет маблағлари	197,8	110,9	7,1
давлат мақсадли фонд маблағлари	79,4	90,4	2,9
болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фонди маблағлари	3,4	38,4	0,1
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	420,8	35,8	15,1
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	339,0	239,6	12,2
Марказлашмаган инвестициялар	1744,1	89,6	62,6
корхоналарнинг ўз маблағлари	1020,9	81,8	36,7
аҳоли маблағлари	389,5	94,5	14,0
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар (бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар қўшилган ҳолда)	45,9	86,9	1,6
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	287,8	120,8	10,3


Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 2051,1 млрд. сўми ёки 73,7 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига 733,4 млн. сўм ёки 26,3 фоизи ноишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилди.

2017 йил январь-декабрда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби

	жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	2784,5	983,3	1801,2
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	56,6	24,5	74,1
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	36,1	72,2	16,4
Бошқа ҳаражатлар	7,3	3,3	9,5

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-декабрга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 17,2 фоизли пунктга кўпайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 19,6 фоизли пунктга камайган ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 2,3 фоизли пунктга кўпайган.

2017 йил январь-декабрь ойларида асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йил январь-декабрда умумий майдони 621,7 минг кв.м. бўлган 3150 та (2016 йил январь-декабрга нисбатан 101,9 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 440,8 минг кв.м. (86,4 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 541,3 млрд. сўми ёки 73,8 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-хунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоатлари қурилишида 35,7 млрд.сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 4,9 фоизини ташкил қилди. Ҳисобот даврида 945 ўқувчи ўринли 2 та янги умумтаълим мактаблари қурилиб фойдаланишга топширилди, ҳамда 1862 ўқувчи ўринли 13 та умумтаълим мактаблари капитал реконструкциядан чиқарилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 46,4 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 6,3 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 56,3 км узунликдаги ичимлик суви тармоқлари ишга тушурилди, бу 2016 йил январь-декабрь ойларида нисбатан мос равишда 50,7 фоизни ташкил қилди. Ишга тушурилган умумий ичимлик суви тармоқларининг 56,3 км. ёки 100,0 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига ўзлаштирилган 13,2 млрд. сўмлик инвестициялар ёки умумий ҳажмининг 100,0 фоизи республика бюджети маблағлари ҳисобига тўғри келади.

Қурилиш фаолияти. 2017 йил январь-декабрда 1284,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 103,0 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, йирик пудрат ташкилотлари томонидан қурилиш ишлари ҳажми 263,5 млрд.сўм (жами қурилиш ишлари ҳажмининг 20,5 фоизи)ни ёки ўсиш суръати 106,5 фоизни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10,4 фоизли пунктга кўпайди.

Ушбу кўрсаткич ижобий прогнозларда бажарилган бўлсада айрим туман(шаҳар)ларда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан йирик қурилиш пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини камайиши кузатилди.

Шу жумладан, Зарафшон шаҳрида қурилиш - пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 140,1 млрд.сўм (йирик пудрат корхоналари томонидан бажарилган қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 53,2 фоизи)ни, ўсиш суръати 96,8 фоизни, мос равишда Кармана туманида - 34,0 млрд.сўм (йирик пудрат корхоналари томонидан бажарилган қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 12,9 фоизи)ни ёки 85,2 фоизни ташкил этди.


2017 йилнинг январ-декабрида шаҳар(туман)лар кесимида қурилиш ишлари ҳажми қуйидагича ифодаланади

	<i>Жами</i>		<i>Шу жумладан</i>	
			<i>Ҳудудий қурилиш-пудрат ташиқлотлари</i>	
	<i>Млрд.сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, фоизда</i>	<i>Млрд.сўм</i>	<i>Ўсиш суръати, фоизда</i>
Вилоят жами	1284,6	103,0	263,5	106,7
<i>шаҳарлар</i>				
Навоий ш.	304,0	102,2	9,2	106,9
Зарафшон ш.	163,2	97,0	140,1	96,8
<i>туманлар</i>				
Кармана	196,8	107,3	34,0	85,2
Конимех	16,2	81,5	2,1	133,6
Қизилтепа	229,9	120,4	61,2	158,2
Навбахор	95,2	59,2	3,3	160,4
Нурота	78,2	119,5	3,3	131,2
Томди	3,9	106,0	3,1	152,4
Учқудуқ	24,7	108,7	4,4	103,1
Хатирчи	172,5	128,6	2,8	103,1

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики 2017 йил январь-декабрь ойларида энг кўп қурилиш ишлари Навоий шаҳри (вилоятнинг умумий ҳажмидан 23,7 %), Қизилтепа тумани (17,9 %), Кармана тумани (15,3 %), Хатирчи туман (13,4 %)ларидаги корхоналар томонидан бажарилган бўлиб юқоридаги туманлар улуши вилоятдаги қурилишнинг асосини ташкил этмокда.

Бунга асосий сабаб ушбу ҳудудларда кичик бизнес бошқа ҳудудларга нисбатан анча ривожланганлигидадир. Бундан ташқари энг асосийси Кармана ва Қизилтепа туманларида асосий йирик қурилиш корхоналарининг жойлашганли мухим фактор бўлиб хизмат қилади.

2017 йилнинг январь-декабрида шаҳар (туман)лар кесимида аҳоли жон бошига қурилиш ишлари (минг сўмда)



Қурилиш ишлари ҳажмининг таркибий тузилмаси




Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 1094,7 млрд.сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 85,2 фоизини ташкил қилди ва ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 фоиз пунктига ўсди.

Ҳисобот даврида бу кўрсаткич Кармана тумани қурилиш ишлари ҳажмида 88,7 фоизни (2016 йилнинг мос даврига нисбатан 3,4 фоизга кўпайди), мос равишда бу кўрсаткич Нурота туманида - 95,7 фоизни (0,4 фоизли пунктга камайди), Қизилтепа туманида - 99,1 фоизни (0,2 фоизли пунктга кўпайди) ташкил қилди.

Нодавлат мулкчилик шакллари таркибидаги хўжалик бирлашмалари мулки асосида 480,6 млрд.сўм, фуқаролар хусусий мулки 563,7 млрд.сўм, бошқа мулкчилик шакллари бўйича 50,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.

2017 йилда Давлат мулки асосидаги қурилиш корхоналари томонидан эса 189,9 млрд.сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 81,2 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 11,4 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 7,4 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 74,9 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 25,1 фоизи эса капитал, жорий таъмирлашга ва бошқа қурилиш пудрат ишларига тўғри келди.